

**165-модда**

**— 10 —**

**15 (515)-сон**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

**165**

**«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2012 йил 6 марта қабул қилинган

Сенат томонидан 2012 йил 23 марта  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 635-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 12, 467-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисми** «суғурта мукофотларидан» деган сўзлардан кейин «шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **6<sup>1</sup>-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**тўққизинчи хатбошисидаги** «суғурта товони микдорини» деган сўзлар «суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва холатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) микдорини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн биринчи хатбошиси** «суғурта товони» деган сўзлардан кейин «(суғурта пули)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми:**

**олтинчи хатбошиси** «суғурта товони» деган сўзлардан кейин «(суғурта пули)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**ўнинчи хатбошисидаги** «актуарийни (актуар ташкилотни)» деган сўзлар «актуар ташкилотни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8<sup>1</sup>-модданинг:**

**биринчи қисми учинчи хатбошисидаги** «(қайта суғурталовчини)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми:**

**учинчи хатбошиси** «суғурта» деган сўздан кейин «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

\* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2012 йил 12 апрелда эълон қилинган.

куйидаги мазмундаги **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«конун хужжатларида белгиланган ахборотни маҳсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши;

фирма номи, ташкилий-хукукий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда маҳсус ваколатли давлат органини ва сугурталовчиларни хабардор қилиши;

конун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисботларини ва бошқа ҳисботларни тузиши шарт»;

4) **9<sup>1</sup>-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «сугурта тово ни» деган сўзлардан кейин «(сугурта пули)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **9<sup>2</sup>-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**биринчи хатбошиси** «сугурталовчининг (сугурта қилдирувчининг)» деган сўзлардан кейин «ва бошқа буюртмачининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «сугурталовчи учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** «сугурталовчи (сугурта қилдирувчи)» деган сўзлардан кейин «ва бошқа буюртмачи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **9<sup>3</sup>-модданинг:**

**биринчи қисми:**

**иккинчи хатбошиси** «сугурталовчини (сугурта қилдирувчини)» деган сўзлардан кейин «ва бошқа буюртмачиларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «сугурта қилдирувчидан (сугурталовчидан)» деган сўзлар «сугурталовчидан (сугурта қилдирувчидан) ва бошқа буюртмачилардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошиси** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сугурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек сугурта товони (сугурта пули) микдорини аниқлаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва хужжатларни хукуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш»;

**учинчи қисми:**

**бешинчи хатбошининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

куйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«конун хужжатларида белгиланган ахборотни маҳсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

7) **9<sup>4</sup>-модданинг:**

**номи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«9<sup>4</sup>-модда. Актуар ташкилот ва актуарий»;**

**биринчи қисми:**

**биринчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Актуар ташкилот қўйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматла-ри кўрсатувчи юридик шахсдир»;

**учинчи хатбошисидаги** «(қайта суғурталовчининг)» деган сўзлар чи-кариб ташлансан;

**тўртинчи хатбошисининг русча матнидаги** «(перестраховщиком)» деган сўз чиқариб ташлансан;

**еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги** «(қайта суғурталовчи-нинг)» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

куйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсан:

«актуар хисоб-китобларини амалга ошириш бўйича дастурий маҳсулот-ларни ишлаб чиқиш;

суғурта билан боғлиқ бошқа актуар хизматлари кўрсатиш»;

**иккинчи — олтинчи қисмлари** қўйидаги мазмундаги **иккинчи — бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсан:

«Актуар ташкилот шартномага мувофиқ тўлов асосида фақат актуар хизматларини кўрсатиши мумкин.

Актуарий маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тар-тибда актуарий малака сертификатини олган ва актуар ташкилот штатида турган ёки актуар ташкилот билан фуқаролик-хуқуқий шартнома тузган жисмоний шахсдир.

Актуарий сифатсиз актуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат си-рини ёки конун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилганлик ва актуар ташкилотнинг зарар қўришига олиб келган ўзга хатти-ҳаракатла-ри натижасида етказилган зарар учун актуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Актуар ташкилот ўз штатида камидан битта актуарийга эга бўлиши ке-рак»;

**еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари** тегишинча **олтин-чи, еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб хисоблансан;

8) **9<sup>5</sup>-модданинг:**

**номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

**«9<sup>5</sup>-модда. Актуар ташкилотнинг хуқуқ ва мажбуриятлари»;**

**биринчи қисми:**

**биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилари** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Актуар ташкилот қўйидаги хуқуқларга эга:

актуар хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини ва бошқа буюртма-чиларни эркин танлаш;

актуар хulosасини тузиш учун зарур бўлган ахборот суғурталовчи ва

**15 (515)-сон**

**— 13 —**

**165-модда**

бошқа буюртмачилар томонидан тақдим этилмаган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишни рад этиш»;

**тўртинчи хатбоисидаги** «актуарийларни» деган сўз «актуар ташкилотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Актуарий» деган сўз «Актуар ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми:**

**биринчи хатбоиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Актуар ташкилот»;

**тўртинчи хатбоисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«конун хужжатларида белгиланган ахборотни маҳсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

**тўртинчи қисмидаги** «Актуарий» деган сўз «Актуар ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **9<sup>6</sup>-модда биринчи қисмининг иккинчи ва учинчи хатбошлиари** «суфурта» деган сўздан кейин «(қайта суфурта қилиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **9<sup>7</sup>-модданинг:**

**учинчи қисми:**

**тўртинчи хатбоисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«конун хужжатларида белгиланган ахборотни маҳсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

11) **9<sup>9</sup>-модданинг:**

**учинчи қисми:**

**тўртинчи хатбоисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«конун хужжатларида белгиланган ахборотни маҳсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

12) **10-модданинг иккинчи қисми:**

**олтинчи хатбоиси** «суфурта брокерининг» деган сўзлардан кейин «ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги **ўн еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суфурта бозорининг профессионал иштироқчиларидан қонун хужжатларида белгиланган ахборотни сўраб олади»;

**ўн еттинчи хатбоиси ўн саккизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

13) **11-модда** қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кайта суфурта брокерлари, аджастерлар, актуар ташкилотлар, суфурта сюрвейерлари, асистанслар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир

**165-модда**

**— 14 —**

**15 (515)-сон**

хафталик муддатда бу ҳақда маҳсус ваколатли давлат органини ёзма равишида хабардор қиласи»;

14) **13-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«13-модда. Суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номига доир талаблар**

Суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар қўлланилишига йўл қўйилмайди, бундан суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг филиаллари, шунингдек унитар корхона шаклида бошқа суғурталовчилар томонидан ташкил этилган суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номлари мустасно»;

15) **22-модданинг матнидаги «Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;**

16) **24-модданинг иккинчи қисмидаги «Суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига» деган сўзлар «Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

17) **25-модданинг:**

**биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар суғурталовчиларнинг ва аджастерларнинг сўровига кўра суғурта ҳодисаларининг рўй бериши сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек суғурта тово ни (суғурта пули) миқдорларини суғурталовчи ва аджастер томонидан аниқлаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва хужжатларни тақдим этиши шарт»;

**иккинчи қисмидаги** «суғурталовчилар ёки суғурта брокерларидан» деган сўзлар «суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **26-модда:**

**бешинчи қисми** «суроштирув ва тергов органларига» деган сўзлардан кейин «суднинг ундирувни суғурта қилдирувчининг мол-мулкига қартиш ёки бу мол-мулкни хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тузилган суғурта шартномалари тўғрисидаги маълумотлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда кредит бюроларига тақдим этилади»;

19) **27-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл суғурта ташкилотлари томонидан суғурта амалга оширилишига йўл қўйилмайди».

Hujjat 2012 yil 16 aprel holatiga

**15 (515)-сон**

**— 15 —**

**165-166-моддалар**

**2-модда.** Ушбу Конун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 11 апрель,  
ЎРҚ-323-сон